СССР Давлат китоб палатаси

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 136 (8. 334) ◆ 1993 йил 2 август, душанба Сотувда эркин нархда

1 СЕНТЯБРЬ— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ПОЙАБЗАЛЧИЛАР РЕЖАЛАРИ

Мухбирларимиз яқинда Тошкент 2-пойабзал фабрикасида бўлиб, фабрика директори Бахтиёр Зоҳидов билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллиги олдидан кўрилаётган тайёргарликлар ҳақида суҳбатлашди.

— Аслида мазкур фабрикамиз 1935 йили якка тартибда буюртмалар асосида пойабзал тиқиш устахонаси сифатида иш бошлаган эди, — дейди фабрика директори. — Кейинчалик, 1972 йилдан бошлаб эса тўла қувватга эга бўлган ҳолда фаолиятини кенгайтириб, ҳақиқий пойабзал фабрикасига айланди. Шундан бери Ўзбекистон Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ассоциацияси тасарруфида туради. Фабрикада 2 та тайёрлов цехи, 5 та ёрдамчи ва тажриба ишлаб чиқариш асосий цехлари мавжуд бўлиб, ҳар ойда 25 нусхада аёллар, эркаклар, болалар ва қизлар пойабзаллари тикилади. Маҳсулотларимиз асосан баҳорги-ёзги; эркаклар, аёллар туфлилари, эркаклар, аёллар пантаолетлари ва қўнжсиз ботинкалар; кузги-қишки хотин-қизлар этиклари, эркаклар этиклари ва қўнжсиз ботинкалардан иборат. Кўпроқ халқ талаб ва эҳтиёжлари тўла ҳисобга олинган ҳолда иш олиб борилади. Шунинг учун ҳам фабрикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз ҳеч қайси дўконда туриб қолмайди, ёки фабрикамизга қайтариб келинмайди.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 1,2 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган бўлса, йил охиригача эса кутилаётган нақд хом ашёмиздан 2 миллион жуфт оёқ кийимлари тайёрлашни режалаштирганмиз. Товар маҳсулотларимиз ўтган 6 ой мобайнида 634,7 миллион сўмни ташкил этди.

— Бахтиёр ака, фабрикада бозор иқтисодиёти муносабатларига киришиш қай аҳволда?

— Фабрикамизда «Афзал-93» кичик корхонаси очилган бўлиб, бу ерда асосан пойабзалларимиз учун хилма-хил қутилар тайёрланади. Бундан ташқари маҳсулотларимизни сотиш учун шаҳримиз бурчакларида «Зебо», «Мадина», «Гўзал» дўконлари очилган. Албатта бу дўконлар ўз ҳисобимизга қурилган бўлиб, маҳсулотларни озгина бўлса ҳам арзонлаштириш учун мўлжалланган. Австриянинг «Лим» фирмаси бизга бир неча йиллардан бери қолиб тайёрлаб бериш билан шуғулланади.

— Пойабзал фабрикаси деганда кўпроқ косибларнинг машаққатли иши тушунилади. Косибларга яхши ишлаб, яхши дам олишлари учун қандай шароитлар яратилмоқда?

— Шу ўтган олти ой мобайнида фабрикамизда меҳнаткашларга қулайликлар яратиш учун 3 миллион сўм сарфладик. Айниқса, 1, 2, 3, 4-цехлардаги электр жиҳозлари созланиб, қисман синовдан ўтказилди. Юк лифтлари профилактика синовидан ўтказилиб, созланди. Компрессор станцияси учун айланма сув тизими барпо этилди. Фабрика ишчилари ўз вақтида коржомалар, махсус пойабзаллар ва якка тартибдаги ҳимоя қилиш воситалари билан таминланмоқда. Ҳар бир зарарли иш шароитида ишлайдиганлар учун махсус сифатли сут берилмоқда. Ишчиларга яна кўпгина қулайликлар ва шароитлар яратиш устида бош қотираяпмиз. Негаки энди аввалгидек ишчидан иш талаб қилавермасдан, балки унга ҳар томонлама имкониятлар яратиб берсаккина умумий ишимизда унум, сифат ва самарадорлик бўлади. Ҳа, энг асосийси, яратувчиларнинг манфаатларини юқори даражага кўтариш, хизматларини холис баҳолашу шунга яраша қадрлаш керак. Чунки ҳар бир меҳнаткашнинг ортида суюкли оиласи, ширин орзу-ҳаваслари ётибди.

— Бахтиёр ака, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг икки йиллигини фабрика жамоаси қандай кутиб олиш арафасида?

— Албатта ёруғ юз билан-да. Хайриятки, кўпгина қийинчиликлар ва чигал муаммолар жамоанинг ташаббуси ҳамда фидойилиги натижасида ортга чекинди. Мана бугунги кунга келиб, ҳар бир ишчи-хизматчи ўз вазифаси нималардан иборату ва ўзи нималарга қодир эканлигини яхши билади. Республикамизга бундан икки йил бурун қайтиб берилган мустақиллик халқимизни қанчалар яшартириб юборган бўлса, жамоамизда ҳам ана шундай ёрқин из қолдирди. Хабарингиз бўлса керак, яқинда 7—8 августда енгил саноатчилар Мустақиллик шарафига ҳамда «Соғлом авлод» жамғармаси учун шанбаликка қатнашиб, бир кунлик маблағларини ўтказиб берадилар. Шанбаликда жамоамиз ҳам фаол қатнашади. Бундан ташқари Мустақиллик куни ўзимизга хос жамоамизнинг сарҳисоби қилиниб, катта тантаналар ўтказилади. Фабриканинг умумишида кўрсатган фидойилиги ҳамда жонкуярлиги учун моҳир ва илғор косибларимизга байрам туҳфалари тарқатилади. Чунки бу кун нафақат жамоамизнинг, балки катта халқимизнинг орзиқиб кутилган байрамидир, шодиёнасидир.

Шаҳло ФАЙЗИЕВА,
Зоир ТУРСУНОВ.

«Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришган кунининг икки йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Корхонада халқимизга сифатли, бежирим кийим-кечак етказиб бериш авжида.

СУРАТДА: катта уста Саодат Ҳасанова ва тикувчи Музина Сейтосманованлар навбатдаги буюртма қандай тикилишини маслаҳатлашиб олишмоқда.

Андрей Пишненко суратлари.

Ғамхўрлик тимсоли

БУГУНГИ кунда пойтахтимизнинг барча туманларида мустақиллигимизнинг икки йиллиги муносабати билан кўплаб учрашув кечалари, турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири шаҳримиздаги Кўкча маҳалласининг «Исломобод» маданият марказида бўлиб ўтди. Ижтимоий таъминот вазирлиги, Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги мутасаддилари билан бўлиб ўтган тўкин дастурхон атрофидаги учрашувда туман аҳолиси ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кексаларга қилинаётган ғамхўрликдан миннатдор эканликларини изҳор этиб, ўзларининг дил сўзларини айтдилар. Шунингдек, Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси ходимлари учрашув давомида ногиронларга аравачалар, кексаларга дам олиш учун бепул йўлланмалар бердилар.

Кеча сўнгида туман бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг концерт дастурлари билан барчани хушнуд этдилар.

Санд СИРОЖОВ.

ЧИЛОНЗОР туманига жойлашган Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи бу йил ҳам Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунини кенг нишонлашга катта тайёргарликлар кўрмоқда. Бу ҳақда мухбиримизга боғ директори Баҳодир Султонов қуйидагиларни ҳикоя қилди:

Ҳар ҳолда байрамга кўрилаётган тайёргарликлар бу муаммолардан мустасно бўлса керак!!

— Албатта. Боғимизни миллий безашда, байрамларни намунали ўтказишда бизга асосан Чилонзор тумани ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатиб келади. Ҳар қандай иқтисодий таназзулларимиз, иқтисодий йўқотишларимиз туман ҳокимлиги томонидан қопланиб келинади. Бу йил ҳокимлик томонидан бизга яна бир ёрдам берилди. Бу ҳам бўлса, бюджетдаги даромадимизнинг 15 фоизи боғ хўжалигига қайтариб берилди. Боғимизнинг бадиий раҳбари Мирзааҳмад Содиқов раҳбарлигида бу йили ҳам байрамда турли томошалар ўтказилади. Жумладан, Ўзбек давлат филармониясининг миллий симфоник оркестри, камер куйлари оркестри, Республика қўғирчоқ театри, «Ўзбекистон овози» фольклор ансамбли, Улуғбек номидаги маданият уйининг «Марафон» вокал-чолғу ансамбли, темирйўлчилар маданият саройининг рақс дастаси, туманимиздаги 4-маданият уйининг «Ёшлик» халқ ансамбли, Глиэр номидаги маданият уйининг «Семурғ», «Наврўз» вокал-чолғу гуруҳлари ҳамда «Севинч» рақс дастаси, Педагогика коллежининг мақомчилар гуруҳи, Чилонзор Ёшлар уйининг «Чехра» рақс ва ашула гуруҳлари, доирачилар дастаси, Чилонзор тумани мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг байрам дастурлари намойиш этилади.

Бундан ташқари боғдаги махсус майдончаларда миллий спорт ўйинлари, кураш тушиш, арқон тортиш, куч синашиш, тош кўтариш, парашютда сакраш, ҳарбий спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ўтказилади.

Айниқса шу куни кичкинтойлар учун икки жойдаги эртаклар майдончаси, 9 та механизациялашган, 3 та кичик кўринишдаги аттракционлар ва 9 та ўйин автоматлари қувонч улашади. Ёшлар ва ўсмирлар учун қироатхона, биллиардхона, рақс майдончаси, қайиқ бекати, ёзги эстрада автомат ўйинхонаси, теннис майдончалари ҳақиқий дам олиш масканларига айланади. Шу кунлари болалар ва ўсмирлар учун эрталиклар, байрамлар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари, санъат байрамлари ва спорт мусобақалари ҳам ўтказилади.

— Яна қандай тадбирлар кўзда тутилган!

— Байрам куни Чилонзор туманининг савдо муассасалари савдо кўргазмаси, туман овқатланиш бўлимлари ошпаз ва пазандаларининг ярмарکалари, тумандаги қўшма ҳамда кичик корхоналарнинг мустақиллик кунига тайёрлаган хилма-хил маҳсулотлари намойиш этилади.

— Баҳодир ака, эшитишимизча, ўтган йили мустақиллик куни арафасида мазкур боғда Америка ёшларининг дам олиш кечаси ўтказилган экан. Улар бу йилги тадбирларда ҳам қатнашадиларми!

— Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам бултур пойтахтимизда таҳсил олаётган ҳамда Америкадан таклиф қилинган ёшларнинг дам олиш кечаси боғимизда жуда ҳам файзли, ўта кўтаринки руҳда ўтказилган эди. Боғимиз уларга маъқул тушганини ва улар бу ерда яхши ҳордиқ чиқарганларини айтишиб, ҳар йили шу ерда дам олишга рухсат сўрашганди. Ҳақиқатан ҳам уларнинг кўрсатган томошалари: куй ва қўшиқлари, рақслари ҳамда пантомималари халқимизга манзур бўлган эди. Албатта бу йил ҳам уларнинг боғимизга ташриф буюриб, томошалар кўрсатиши кутилмоқда. Боғимиз дунё ёшларини бирлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнун бўлмай бўладими?! Шунинг учун ҳам комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу йилги байрам ҳам ўтган йилдагига қараганда янада мазмундорроқ, янада шукуҳли ўтади.

Зокир ТУРҒУНОВ.

* *Маданият масканларида*

Янада шукуҳли ўтади

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигини кўнгилдагидек нишонлаш ҳамда ҳудудимиздаги 250 мингдан ошиқ аҳолининг яхши дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятларимизни ишга солмоқдамиз, — деди Баҳодир Султонов. — Тўғри, боғ 1968 йили ташкил қилинганда унга «Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» номи берилиб, миллийликка умуман эътибор берилмаган эди. Мустақиллик шарофати билан бундан икки йил бурун боғга алломамиз Улуғбек номи берилгандан кейин ишларимиз янаям юришиб кетди. Боғга нафақат миллий тус, балки фалакшуносимиз Мирзо Улуғбек замонасини эслатувчи манзаралар, қиёфалар яратиш устида ҳам иш олиб бормоқдамиз. Боғ ичидаги барча ёзув, тахта, кўрсаткичлар ягона давлат тилида битилган. Томоша, концерт берадиган гуруҳлар ҳам ягона давлат тили — ўзбек тилида олиб борилади. Бундан ташқари боғга аввалгидек лоқайдлик билан эмас, балки кўтаринки руҳда боқимоқда дам олувчилар. Хўжалик ҳисобида бўлганимиз учун боғ дарвозасини миллий нақшлар, қадимий безаклар билан жиҳозлашга ҳозирча қўлимиз калталик қилиб турибди. Аммо насиб қилса, келгуси йилда, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллудигача бу муаммони ҳам ҳал қиламиз, деган ниятдамиз.

— Баҳодир ака, албатта ҳозирги кунда, айниқса бозор иқтисодиёти даврида бу юмушларни бажариш осон эмас.

КУНИ кеча Ўзбекистон Миллий боғининг «Хумор» чойхонасида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг адабий-бадиий кўрсатувлар таҳририяти томонидан «Насриддин чойхонаси» туркум кўрсатувларининг биринчи қисми суратга олинди. Унда Хўжа Насриддиннинг Тошкентдаги саёҳатлари тасвирланган.

Мазкур фильмда Хўжа Насриддин ролини Ҳамза номли академик театр актёри, «Қизиқчи—91» кўрик-танловининг ғолибларидан бири Тоҳир Саидов, Гулмат ролини Фарғона театри актёри, ҳаммамизга таниш («Темир хотин» спектаклидаги Қўчқор образини яратган) Муҳаммадсоли Юсуповлар зўр маҳорат билан ижро этишди. Улар орасида халқ артисти Ғани Аъзамов, қизиқчилардан Рустам Мирзаалиев, Зокир Ўрмонов, «Қизиқчи—93» кўрик-танлови ғолиби Шерали Ҳожиевлар бор. Ҳофизлар Очилхон Отахонов, Мусахон Мирсандов, Ҳожиакбар Ҳамидов ва Ғофур Мирзабоевлар, ширали қўшиқлари билан томошабинларга завқ-шавқ улашдилар.

— Бу туркум кўрсатувларимизнинг иккинчи қисмини Марғилонда давом эттирамиз, — деди адабий-бадиий кўрсатувлар таҳририяти катта муҳаррири Шукрулло Абдуллаев. — Асосий мақсадимиз Хўжа Насриддинни вилоятлар бўйича саёҳат қилдириб, у ердаги муаммоларни ҳам тўла-тўкис ёритишдан иборат. Бу туркум кўрсатувларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги арафаларида телеэкранда намойиш қилмоқчимиз. Бу ҳам Мустақиллик байрамига ажойиб туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.

Зоир ЗИЁ.

* *Суратли ахборот*

Ҳаяжонли дамлар

31 ИЮЛЬ куни минг-минглаб ёшларимиз ҳаётида ҳаяжонли дамлар бўлди. Шу куни республикамиздаги барча олий ўқув юртларида тест усули бўйича кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ёрқин келажаги бугунги ёшлар қўлида бўлган қалби оловлар мактабда олган билимларини яна бир бор синовдан ўтказдилар. Шаҳримиздаги барча олий ўқув юртлари қаторн Тошкент Давлат ўзбекистон университетида ҳам кириш имтиҳонлари уюшқоқлик билан ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн учинчи сессияси 1993 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 29 июль.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
2. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
4. «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида.
9. Ўзбекистон Республикасининг орденлари ва медаллари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
10. «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
11. «Ўзбек имлосини лотин графикасига ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
12. «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
13. Қимматли ва йўқолиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонлар турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бир қаторда депутатларнинг муҳокамасига амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш, халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилиш, шунингдек Олий Кенгашнинг ваколатига кирувчи бошқа масалалар юзасидан ҳужжатлар киритиш тахмин қилинмоқда.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги фармонни имзолади. Қорақалпоғистоннинг бу шаҳридаги байрам тантаналари 1993 йил ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида бўлиб ўтади.

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов АҚШнинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоби, халқаро юристлар уюшмасининг президенти, 1996 йилда Атланта шаҳрида Олимпиада ўйинларини ўтказиш ташкилий комитетининг раҳбари Эндрю Янг ва у билан бирга келган Америка амалий доиралари вакилларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарори билан Жиззах вилоятидаги Октябрь туманининг номи Зафаробод тумани, деб ўзгартирилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Хитой Халқ Республикаси Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Темур Давомат бошчилигидаги делегация қабул қилинди. Делегация аъзолари 4 августгача Тошкент шаҳри ва вилояти меҳнат жамоалари, ташкилотларида, Бухорода бўладилар.

● Вазирлар Маҳкамасида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

● Республика ижодкор ёшлари «Истеъдод» жамғармасининг таъсис анжуманида унинг низоми тасдиқланди, бошқарув ҳайъати ва тафтиш комиссияси сайланди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ушбу жамғарма раиси этиб сайланди.

● Ўзбекистонда давлат дарё флоти ташкил топди. Ундаги кемалар сонига янги «Шараф Рашидов» ва «Ўзбекистон» теплоходлари қўшилди.

● Наманганнинг Поп туманидаги Мискинсой дарёси бўйидаги тоғда пушти гранит тош кони топилди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Россия Президентининг махсус вакили, мамлакат ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Анатолий Адамишин Марказий Осиё давлатлари пойтахтларида бўлиб, Борис Ельциннинг шу йил 7 августда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш таклифидан хабардор қилди. Бу учрашувда Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятни муҳокама этиш кўзда тутилмоқда.

● Болгария Президенти Желю Желев Қозоғистон ва Қирғизистонда бўлди. Болгариянинг бу мамлакатлар билан дўстлик ва иқтисодий алоқаларини янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

● Россия давлат статистика комитетининг маълумотларига кўра, шу йилнинг биринчи ярмида бу мамлакатда саноат маҳсулотининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга камайган.

● Озарбайжон Миллий мажлиси 28 август куни ҳокимиятдан четлаштирилган Президент Абулфаз Элчибей тақдири юзасидан референдум ўтказишга қарор қилди.

● Украина Президенти Леонид Кравчук қатор вазирликлар ва идоралар раҳбарларига матбуотни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалий чоралар кўриш бўйича топшириқлар берди.

● 1 августдан бошлаб Москвада телефон ўрнатиш учун 30 минг рубль, телефондан фойдаланиш учун ойига 300 рубль тўлаш керак бўлади. Шаҳар атрофидаги электричкаларда кира ҳақи эса тўрт баравара оширилди.

● Тожикистон Олий Кенгашининг раёсати мамлакат Жамғарма банкидаги омонатлар қадрсизланганлиги муносабати билан аҳолига товон тўлаш тўғрисида фармон чиқарди. Унга кўра жамғарма банкларида 1993 йил 1 январигача ёқланаётган омонатлар миқдори юз фоизга оширилди. Республика давлат ички ютуқ заёмлари облигацияларининг қиймати ҳам юз фоизга кўпайтирилди. Бу мақсадлар учун миллий банк 5 миллиард рубль ажратди.

● Қирғизистонда 1 августдан нон харид қилиш учун ҳукумат томонидан пенсионерлар, ногирон ва студентлар учун белгиланган товон пули миқдори икки баравар кўпайтирилиб, беш сомни ташкил этди.

ХОРИЖДА

● Женевада Босния ва Герцеговинада ўт очишни тўхтатиш тўғрисида серблар, хорватлар ва мусулмонлар ўртасида бир битимга келинди.

● Араб мамлакатлари лигасига аъзо бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари учрашувида Исроилнинг Ливанга нисбатан агрессияси муҳокама этилди.

● Халқаро валюта жамғармаси Қозоғистондаги иқтисодий ва молиявий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун 86 миллион доллар миқдорида қарз беражагини эълон қилди.

● Покистон ядро қуроли синовларини тақиқлаш юзасидан минтақавий шартнома тузишга тайёр эканлигини билдирди.

● Япония янги партиясининг 55 ёшли етакчиси Морихиро Хосокава мамлакатга 33 йилдан бери ҳукмрон бўлиб келган Либерал-демократик партиясини парламентнинг қуйи палатасига яқинда бўлиб ўтган сайловларда мағлубиятга учратган муҳолифатдаги етти партия томонидан Бош вазир лавозимига кўрсатилди. У шу ой бошида бу лавозимни эгаллаши керак.

● Американинг машҳур «Филипп Моррис» компанияси ўз сигареталарининг олий навлари нархини бирданига 40 фоизга арзонлаштирди. Кашандалар ана шундай олий нав сигареталарини чекиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлишлари мақсадида шундай қилинди.

Кўпнинг кенгашига

БОЛА ТАРБИЯСИ ВА МАҲАЛЛА

МУҲТАРАМ муштарийлар!

Мустақил давлатимиз келажаги бўлмиш ёш авлод тарбияси муаммолари ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Бу борада шуни таассуф билан таъкидлаш керакки, ҳозиргача аниқ ишлаб чиқилган, миллий қадриятларимизни ҳисобга олган ижтимоий-маънавий, тўлақонли дастур йўқ. Тошкент шаҳар Ҳокими таклифига биноан шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда бир гуруҳ олимлар, услубчи ходимлар, мактабларнинг тажрибали раҳбарлари, намунали оила соҳиблари, маҳалла комитети фаолларининг тарбия соҳасидаги маслаҳатларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий ишларни такомиллаштириш концепциясини яратдилар.

Республика «Маҳалла» жамғармаси билан келишган ҳолда ушбу концепциянинг лойиҳаси Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти, маҳалла комитетлари, педагогик жамоалар, олимлар, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик диққатига ҳавола қилинади, сўнгги мулоҳазалар шаҳар маорифчиларининг анъанавий август кенгашида ҳисобга олиниб, ҳаётга тадбиқ этилади.

Концепция лойиҳасини сизнинг эътиборингизга тақдим этар эканмиз, у сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Зеро, ушбу лойиҳа маромига етиши, тўлақонли бўлишига сиз ҳам ҳисса қўшасиз, деган умиддамиз.

⊙

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши, халқ хўжалигини бошқаришнинг бозор иқтисодиёти қонуниятларига кўчиши муносабати билан умумий ўрта таълимни ҳам тубдан янгилаш табиий заруратга айланди. Бу эса ўз навбатида янги концепция яратилишини тақозо қилади.

Тарбия ва таълим бир-биридан ажралмасдир. Шу фазилатлар инсонни вояга етказади. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда баён этилган миллий қадриятлар устиворлиги, хусусан, таълим-тарбия орқали амалга оширилишини назарда тутади.

Республикамиз умумтаълим мактаблари, турар жой, маҳаллаларда болаларни тарбиялашда ота-боболаримизнинг асрий удумларини қўллаш, янгича фикрлаш, миллий уйғониш, тарихий меросимизга, ўзбек халқ педагогикасига қарашларни ҳам тамомила ўзгартириб юборди. Зеро, халқимиз педагогик мероси ниҳоятда бебаҳодир.

«Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади, — дейилади Қонунда. — Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларга, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади». Демак, таълим-тарбия соҳасидаги энг муҳим ўзгариш умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларни бор бўйи-басти билан қад ростлаганидадир. Бу ёш авлодга бой тарихий, миллий, маданий мерос, минглаб йиллар давомида шаклланган халқ педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия бериш ҳам демакдир.

МАҲАЛЛАДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ФАРЗАНД оила қувончи, ота-онанинг дилбанди. Фарзанд дунёга келиши билан, ота-она ўз жигарбандини қобил, ақлли, билимдон; меҳнатсевар, одобли бўлиши учун тарбиялашга киришади.

Халқимизда шундай нақл бор: «Ота-онанинг қадри фарзандни дунёга келтирганлиги билан эмас, балки яхши фарзанд тарбиялаганлиги билан ўлчанади». Бу сўзларнинг моҳияти қанчалар чуқур эканлигини таъкидлаш керакми?

Агар кундалик ҳаётимизга, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳақиқат кўзи билан қарасак, таълимнинг тарбиядан анча узоқлашиб кетганлигини кузатиш унчалик қийин эмас. Болаларимизга замонавий техника воситалари асосида билимлар бердик, лекин уларнинг тарбиясига эътиборни сусайтирдик. Биз фарзандларимизга Афлотун таълимотидан тортиб, то космик фазо сир-асрорларигача бўлган билимлар бердик, лекин виждон, эътиқод, одоб каби инсон учун энг муҳим ахлоқий фазилатлар борасида деярли лом-лим демадик. Натижада тарбиясизликлар сабаб жамиятда катта йўқотишлар, чалкашликлар, ҳатто қурбон беришлар содир бўлмоқда. Болаларимиз оила бағридан узоқлашиб кетди. Улар вақтларининг кўп қисмини боғчада, мактабда, кўчада ўтказдилар, ҳозир ҳам ўтказмоқдалар. Шунинг учун ҳам болалар оиладаги миллий кайфияттдан, урф-одатдан, удумлардан йироқда камолга етмоқда. Бу эса, албатта, тарбияга салбий таъсир этмай қолмайди.

Республикамизнинг тараққиёт ва ўзгаришларга бой мазкур даврида инсоннинг ҳар томонлама етук камол топиши ҳозирги куннинг талаби ва эҳтиёжидир. Мактабларимиз маънавий бақувват, ўз мустақил Ватанимиздан фахрланиш туйғусини чин дилдан ҳис этадиган кишиларни тарбиялаши керак. Бу эса таълим-тарбия олдида турган мураккаб, айни чоғда, кенг кўламли муаммолардан биридир. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар савиясини ошириш, унинг турли шаклларини ишлаб чиқиш лозим. Бу ишни мутлақо пайсалга солиб бўлмайди. Бундай масъулиятли, шарафли вазифани ҳал этишда мактаб, оила ва кенг жамоатчилик, маҳалла аҳли ҳамкорлигини таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ота-оналар билан маҳалла аҳли ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш ҳозирги пайтда, тартиббузарлик, ўғирлик, тан жароҳат етказиш, номусга тажовуз қилиш, гиёвандлик ва шунга ўхшаш маиший бузуқликлар билан шуғулланишнинг олдини олишда энг биринчи омил бўлиши керак.

Маҳалланинг устунлиги шундаки, кўп йиллар давомида бирга яшаган кишилар бир оила аъзоларидек бир-бирларини яхши тушунадилар. Қўни-қўшнилар бир-бирларининг мавқелари ва имкониятларини яхши билишади. Маҳалланинг ижобий иш тажрибаси, бола тарбиясидаги бой халқ педагогикаси воситалари, хилма-хил оилавий анъаналар, шунингдек, ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг янги самарали шаклларига таяниб, бола таълим-тарбиясида «Маҳалла» концепциясини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ

БОЛАНИНГ характери, қизиқишини, энг муҳими ички дунёсини билмай, ўрганмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бола тарбиясида маҳалла, оилавий ҳамкорлик жуда муҳимдир. Чунки боланинг қандай инсон бўлиб етишиши оилага ва маҳалла аҳлига боғлиқ. Болалик, ёшлик, ўсмирлик инсон ҳаётининг гулдек фасллари, камолотга эришиш давридир. Инсон болалик пайтидан у ёки бу ҳуқуқни ўзига сингдириб, ота-онаси, ака-опалари, ўртоқлари, атрофдаги кишилардан маънавий озуқа олади, уларга тақлид қилади, кўпгина яхши одатларни, хулқ ва одобни ўзлаштиради. «Бир болага етти қўшни ота-она» мақолининг қанчалар донолиги айнан мана шунда кўринади.

Фарзандларимизни яхши хулқли, одобли ва маданиятли қилиб тарбиялашда, уларнинг ёш жиҳатларига, психологик билим ва тушунчаларига, характерларига, уларнинг руҳий дунёси бойишига таъсир этадиган одобий илмлар унинг хулқида бир умрга муҳрланиб қоладиган бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда, айниқса, боланинг ёш даврларига қараб муносабатда бўлиш муҳимдир. Мабодо боланинг камолотини босқичларга бўлиб белгиласак, таҳминан қуйидагича бўлади:

БИРИНЧИ БОСҚИЧ — ёшларнинг никоҳ тўйлари ва ундан кейинги даврдаги ҳаётларида туғилажак фарзанд тақдири ва тарбияси ҳақида тиббий ва тушунтириш ишлари олиб бориш;

ИККИНЧИ БОСҚИЧ — фарзанднинг ясли ва боғча давридаги ҳаётида жисмоний ва ақлий хулқининг ривожланишини таъминлаш;

УЧИНЧИ БОСҚИЧ — кичик ёшдаги (6—11 ёш) мактаб даврида ёшларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишига куч бериш;

ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧ — (11—16) ёш) ўсмирларнинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ёшига, интилишига мос келадиган меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш, касб танлашга катта эътибор бериш;

БЕШИНЧИ БОСҚИЧ — (16 ва ундан юқори ёш) ёшларнинг мустақил танлаган касблари бўйича иш билан таъминлаш, чуқур билим олишларига имкон яратиш; иқтисодий мустақилликка эришишлари ва оила қуришларига кўмаклашиш, уларнинг онгига фаровон ҳаёт кечиришнинг бирдан-бир манбаи ҳалол меҳнат эканлигини сингдиришдан иборатдир.

Бола тарбиясидан кўзда тутилган мақсад шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви ғояси асос бўлади. Чиндан ҳам:

— жисмонан, ақлан соғлом, маданият даражаси юқори бўлган ва зарур касбга эга бўлган ёшларни тарбиялаш;

— ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар авлодларни етиштириш;

— ёшларнинг маҳаллий шароит талаб қиладиган касб-ҳунар эгаллашига ва замонавий илм-тараққиёт асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилишга ўргатиш;

— маҳаллада ёшларнинг миллий спорт турлари билан шуғулланишини таъминлаш ва уларни жаҳон даражасига олиб чиқишни таъминлаш;

— ёшларнинг ўз тарихи ва маданиятини чуқур эгаллаши, бошқа халқларнинг тарих ва маданиятини ҳурмат қилиш ҳисларини шакллантириш;

— дунёвий фикрлаш, улуғ аждодларимиз меросига алоҳида муносабат, уни ўрганиш, ўз халқига, давлатига, унинг ҳимоясига ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси миллий рамзларига, Конституциясига садоқатли қилиб тарбиялаш;

— миллий, урф-одатлар, анъаналарга риоя қилиш, бошқа миллатлар урф-одатларига ҳурмат билан қараш, кези келганда миллатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ўзаро бойитишига интилишини таъминлаш;

— истеъдодли ёшларнинг келажакдаги ижодий фаолиятларига кўмаклашиш;

— инсонпарварлик меъёрларини шакллантириш (меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатли, иқтидорли ва миллий камситишларга муросасизлик), муомала одоби каби тарбия чоралари (ноҳақликка, ёлғончилик, туҳмат, чақимчиликка бепарво бўлмаслик) кенг қўлланиши лозим;

— меҳнатнинг туб моҳиятини, ижтимоий фойдасини, инсон меҳнат билан ардоқли эканлигини болалар онгига сингдириш, тадбиркорлик, тўғри сўзли ва масъулият сингари ҳисларни таркиб топтириш;

— келажак давримизда соғлом турмуш тарзи учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлишга интилиш барча тадбирларимизнинг асосий бўлмоғи керак. Шу муносабат билан яна бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

Чунончи,

— маҳаллалар қошида оила, мактаб ва жамоатчилик кенгаши ташкил қилиш;

— кенгаш, болалар ва ёшларни атроф-муҳитни тўғри тасаввур қилишга, илк ёшданоқ ота-онасига ва катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашга, уларда камтарлик, олижаноблик, ғамхўрлик, меҳнатсеварлик, сермурувватлик ҳислатларини тарбиялашда халқ таълими ходимларига яқиндан ёрдам бериш;

— мактабда ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштиришда, болаларни халқ хўжалигининг барча соҳаларида муносиб ўринларини эгаллашда мактаб, ўқитувчилар жамоаси раҳбариятига кўмаклашиш, педагог ходимлар, ўқувчилар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

— тарбияси оғир, қаровсиз қолган болалар билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, тўгаракларга қатнашишларини, ҳунармандчиликка кўнгил қўйишларини таъминлаш, ҳар бир тарбияси оғир болага жамоатчилик вакилларини бириктириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш;

— болаларда миллий урф-одатлар, азалий удумлар, халқ оғзаки ижоди намуналарини (халқ қўшиқлари, лапарлар, айтишувлар, фольклор-этнографик дасталари ташкил этиш), маҳалла аҳли ҳамкорлигида тадбирлар, байрамлар, ҳашарлар, хотира куни, Наврўз, Ҳосил байрами ва бошқалар ўтказиш;

— маҳаллалардаги ҳунарманд оилалар иштирокида болаларда миллий ҳунармандчиликка меҳр уйғотиш ва уларни эгаллаш учун шароит яратиш;

— болаларда мактабдаги педагог ходимлар билан ҳуқуқий тарбиянинг шаклланиши, ҳуқуқий ташкилотларнинг иши таъсирини ошириш;

— маҳалла комитети қошидаги хотин-қизлар кенгаши, ота-оналар, педагог ходимлар билан биргаликда қизлар тарбияси, уларни оилага тайёрлашлари учун мактаб педагог ходимлари билан тадбирлар белгилаш;

— ибратли оилаларнинг тарбия борасида қўлга киритган ютуқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантириш ишимиздаги ютуқларнинг бош омили бўлиб қолиши шубҳасиздир.

МАҲАЛЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ УСЛУБ ВА ШАКЛЛАРИ

КЕЛГУСИ авлод тарбиясида бебаҳо меросимиз — халқимизнинг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбирлари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари — ҳаётий тажрибанинг энг мужассамидир.

Бола тарбияси муаммоси ҳали мактаблар бўлмаган, педагогика фан сифатида шаклланмаган даврдаёқ, қабила аъзолари болаларда меҳнатсеварлик, жанговарлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик ҳислатларини шакллантириш борасида орттирган тажрибаларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдирдилар.

Ўтмишда ҳар бир киши урф-одатлар орқали жамоа билан узвий боғланган, жамоатнинг ижтимоий, ахлоқий қонун-қоидаларини, асосий мақсад-орзуларини англаган ва қабул қилган. Бундай маънавий қонун-қоидалар бола тарбиясида асос бўлган. Ҳозирги давримизда тарбияда ана шу ўтмиш маънавий қонун-қоидалар дастур бўлиб хизмат қилиши керак.

Ўтмишда ота-боболаримиз бола тарбиясида олиҳимматли, меҳр-муҳаббатли, қадр-қимматли, меҳр-шафқатли, адолатли ва ижодкор бўлишганлиги бугун бизга кундек маълум бўлиб қолди. Улар бола йиғласа, меҳр билан алла айтиб, бешик тебратишган. Эртаклар айтиб тўғри фикрлашга, яхши билан ёмонни фарқлашга ўргатишган. Касб-ҳунар сирларини, меҳмон кутиш, рўзғор тутиш, тежамкорлик, ҳалол ва ростгўй бўлиш, қўни-қўшни билан муомала қилиш, маросимларда бирга бўлиш, ҳайру эҳсон қилиш, дўст тутиш ва ниҳоят турмуш қуриш сирларини эринмасдан ипидан игнасигача ўргатишган. Қўшни болаларини ўз болаларидай кўришган. Шунинг учун ҳам улар тарбиялаган ўғил-қизлар ҳамиша эл-юрт хизматида бўлишган.

Ҳозирги бола тарбияси соҳасидаги тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллада «Меҳрибонлик» клубини ташкил қилиш, ота-оналарни, маҳалладошларни, устозларни, жамоатчиликни меҳрибонликка, болаларни таълим-тарбиясига меҳр кўзи билан қараш, уларни сизлаб қарши олиш, етимларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш мақсадларини амалга ошириш ҳам кўзланган мақсадларга кўмак беради. «Меҳрибонлик» клуби аъзолари таркибига мактаб муаллимларидан, илмий даражага эга бўлган ота-оналардан ва фаол жамоатчи вакиллардан киритилса мақсадга мувофиқдир.

Бола шахсига меҳр кўзи билан қараш ўзбек миллий урф-одатлари анъаналари тарихини ўрганишда қариялар фикри (қариялар кенгаши)дан йўл-йўриқ ўрганиш; маҳаллада миллий тўгараклар жорий қилиш, халқ оғзаки ижоди гуруҳини тузиш, тадбирлар ўтказиш, — бунда албатта мумтоз қўшиқчилар, аскиячилар, лапарчилар, аллачилар, мақолчи, эртакчи, топишмоқчи, латифачи, достончиларни назарда тутиш керак.

— Клубда вақти-вақти билан илмий-амалий кенгашлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

— ўқишга ва ишга жойлашмаган болаларни ишга жойлашларида кўмаклашиш;

— «Меҳрибонлик» жамғармасини ташкил этиб, муҳтож оилаларга ёрдам бериш;

— одобли, ахлоқли болаларнинг ота-оналарини рағбатлантириш, оммалаштириш;

— «Ота-онангга раҳмат!», «Одобингга балли» каби мавзуларда стендлар ташкил этиш;

— оналаримиз қизини ёшлигиданоқ уй юмушларига солиб ўстириши, чақ-қон-лобар, ҳаёли-андишали бўлиб камол топишларида оналик бурчларини чуқур ҳис этиб, маҳаллаларда қизларнинг ҳаётга тайёргарлиги ҳақида баҳс, мунозаралар, қизлар кўрик-танловлари уюштириш;

— «Ҳалол меҳнатни сиздан ўрганамиз» мавзусида меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказиш;

— ҳақиқий ўзбек йигити ва ўзбек қизлари, ҳунармандлари танловини ўтказиш;

— тарихий обидаларни тиклашда кўмаклашиш;

— ногиронлар, ғариблар, қариялар зиёратига бориш;

— табиатни қўриқлаш, экологияни асраш-авайлаш, тозаликка эътиборни кучайтириш;

— болаларга Ватан туйғусини сингдириш, мулкни эҳтиёт қилишга, маданиятни эъзозлашга ўргатиш, тежабтергашга ўргатиш;

— маҳаллада ҳуқуқий тарбияга эътиборни кучайтириш, болаларда Ўзбекистон Республикаси қонун ва қоидаларини ҳурмат қилиш ва уларга амал қилишни, халқимизнинг миллий турмуш тарзига риоя қилишни, қонунларига онгли ёндошиш хислатларини уйғотиш, шунингдек суд, прокуратура ходимлари, ички ишлар ходимлари учрашувлар ва мунозаралар ўтказиш, Давлат ҳуқуқ қонунлари ҳақида давра суҳбатлари ўтказиш;

— «Одобинг — обрўйинг», «Сўз боши салом, иш боши интизом», «Яхши тарбия — келажак меваси», «Яхшидан от — ёмондан дод», «Меҳр кўзда — ширин сўзда», «Яхши фарзанд — асал томчиси, ёмон фарзанд — ғазаб қамчиси», «Жазо олмайман десанг, жиноятга қўл урма», «Безоридан худо безор» каби мавзуларда мунозаралар, баҳслар ўтказиш;

— Президент Фармонларини бажаришда маҳалланинг роли, болаларни одоб-ахлоқ намунасида тарбиялаш;

— ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлаш ва асаб, юқумли касалликларнинг олдини олиш. Шу мақсада маҳалла соғломлаштириш майдончаларини ташкил этиш, шароит яратиш; санитария ва гигиена ишларига эътиборни қаратиш; ҳашарлар уюштириш, тозалик, тартиб, кўкаламзорлаштиришга эътибор бериш тадбирлари ўтказиш, шифокорлар рейдларини ташкил этиш жуда ўринлидир.

Оммавий ахборот воситалари ва радио орқали намунали оилалар, ўғил-қизлар, намунали маҳаллалар ҳақида тарбияга оид аждодларимиз бой тарихий меросларидан ҳикоя, ривоятлар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Қуш уясида кўрганини қилади» дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг дунёқараши, унинг қалбида ижобий ёки салбий одатларнинг шаклланиши асосан ташқи муҳитга, катталарнинг турмушига, бир-бирларига ва болаларга бўлган муносабатларига боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида ош-нон билан биргаликда маърифат ва маънавият ниҳоятда зарурдир. Бола тарбияси ҳақида аввало ота-оналарнинг тушунчаси етарли бўлмоғи лозим.

⊙ Юқорида зикр этилган тадбирлар кўнглимизда кўпдан буён ўз ижросини кутиб ётган ниятлардир. Бу ниятлар сизнинг ҳам қалбингизда ниш уриб турган бўлса ажаб эмас. «Томчи-томчи йиғилиб дарё бўлур» дейди халқимиз. Дарё бўлайлик, азиз ҳамшаҳарлар! Сиз ҳам кўнглингиздаги орзуларингизни баён этинг, бу билан бизнинг ишимизга катта ёрдам берган бўласиз. Ушбу концепция лойиҳасини тайёрлаган бир гуруҳ олимлар, муаллимлар, маҳалла оқсоқоллари, отахон-онахонларининг кўнглидаги ниятн шудир. Шундай қилайликки, келажак олдида юзимиз шувут бўлиб қолмасин. Биз тарбиялаган авлод эртага мустақил элимиз бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишсин.

Тарбия ҳаммамизнинг биринчи галдаги ишимиздир. Ушбу лойиҳа тўла-тўкис, бенуқсон бўлишига сидқидилдан кўмаклашасиз деган умиддамиз, азиз ҳамшаҳарлар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Шаҳримиздаги Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида кейинги пайтда ҳозирги иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда бир нечта кичик ва қўшма корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Уларда юртимиз учун жуда зарур бўлган турли хил кабель маҳсулотларидан ташқари турмушда асқотадиган кундалик эҳтиёж моллари ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: «Вертикал» корхонасининг илғор сим ўровчиси Муқаддас Тўхтаева мазкур бирлашмада 25 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келмоқда.

Андрей Пишненко сурати.

Ижтимоий ҳимоя—амалда

ФАОЛИЯТ КЕНГАЙМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОНДА талабалар жамғармаси 1992 йилнинг октябрь ойида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети томонидан ташкил этилган эди. Жамғарма Президентимиз И. А. Каримовнинг талаба ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, уларнинг ишбилармонлик, бадиий ҳаваскорлик, маданият, илм-фан, спортни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қисқа давр мобайнида жамғарма қатор хайрли ишларни амалга оширди. Масалан, йил бошидан буён жамғарма томонидан:

— Тошкент Давлат университети талабаларига қишки таътилларини мазмунли ташкил этишда ёрдам кўрсатилди;

— февраль ойида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг Тошкент шаҳар комитети билан ҳамкорликда кам таъминланган оиладан бўлган талабалар қабули ўтказилди, уларга моддий ёрдам берилди;

— март ойида Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда турли соҳа ва Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари касаба уюшмалари раисларининг талабаларнинг ижтимоий муаммолари ва Ўзбекистон талабалар жамғармаси фаолиятига бағишланган кенгаши ўтказилди.

— шу ойнинг ўзида Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда жамғарма бош директорининг қўшма қарорига мувофиқ Фарғона, Самарқанд, Қорақалпоғистон Давлат университетлари учун талабалар жамғармасининг стипендияси тайинланди.

Тошкент Давлат ва Техника университетлари талабаларидан бундай шарафга тоғ-геология факультети 3-курс талабаси Х. Авазмуҳамедова, тупроқшунослик факультети 4-курс талабаси И. Қобуловлар мушарраф бўлдилар.

Умуман олганда март ойи жамғарма фаолиятининг энг самарали даври бўлди, десак адашмаймиз. Баҳорнинг дастлабки ҳафталарида Талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг «Ёшлик ва Наврўз» кўрик танловини ўтказгани, унда ТошДУ, ТДТУ, 2-тиббиёт институти, ҳуқуқшунослик институти билан бир қаторда маданий-оқартув, геология, кинолаштириш техникуми ижодий жамоалари қатнашдилар. Талабалар жамғармаси ушбу тадбир ҳомийси сифатида ўзининг махсус совринларини таъсис этди.

Бундан ташқари жамғарманинг саъй-ҳаракатлари боис ўлароқ, Фарғона шаҳрида «Талабалар баҳори—93» анжумани тайёрланди ва ўтказилди. Айниқса, анжуман дастуридан ўрин олган Фарғона ва Тошкент шаҳри вакилларининг «Қувноқлар ва зукколар» учрашуви қизиқарли ўтди.

Айни кунларда талабалар жамғармаси республика вилоятлари, йирик олий ўқув юртларида ўз бўлимларини ташкил этиш ҳаракатида бўлмоқда. Яқин орада Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими ташаббуси билан шу ерда ҳам бўлимлар ташкил этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Тошкентқурилиш» корпорацияси жамғармага пойтахт талабаларининг ишбилармонлик концерни таъсисчиси бўлиш ҳуқуқини беришди. Айни кунларда вақтинча ва доимий ишга жойлаштириш ахборот банкини тузиш, талабаларга моддий ёрдам беришни кенгайтириш ва уларни ўқишдан бўш вақтини фойдали меҳнат билан тўлдириш учун ишлаб чиқариш цехлари ва корхоналарини ташкил этиш, ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шайдо ХУДОЕРОВА.



Тошкент тажриба таъмирлаш механика заводининг тажриба цехида меҳнат қилаётган чилангарлар бригадаси бошлиғи Валентин Жиганов кўп йиллик иш тажрибаси, масъулиятни ҳис этиши билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонганлардан биридир.

Усмон Усмонов сурати.

Меҳнат жамоаларида

«ЁШЛИК» ЁРЛИҒИ БИЛАН

ИЛГАРИ «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиали бўлган, айни пайтда эса «Ёшлик» тикувчилик корхонаси сифатида мустақил иш юритаётган жамоа бежирим костюм-шимлар, харидоргир маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Корхона тикувчилари «Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ўзаро алоқани узганлари йўқ. Улар бир-бирлари билан тажриба алмашиб ишлаш ютуқлар омили бўлишини яхши билишади. Шу боис бўлса керак, бу ерда олти ойлик режа муддатидан олдин бажарилди.

«Ёшлик» тикувчилик корхонаси раҳбари Йўлдош Муҳамедов бу ерга раҳбар бўлиб келганига ҳам кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо ёш раҳбар бор имкониятларни ишга солиб, бугунги бозор иқтисодиёти қийинчиликларини енгишга ҳаракат қиляпти. Айниқса, янги бичув, тайёрлов ва тажриба цехларини очиш билан 300 га яқин кишини иш билан таъминлашга эришилди. Бундан ташқари, ишчиларга ғамхўрликни кучайтириш корхона раҳбариятининг диққат марказида турибди. Тикувчилар транспорт учун кунига 30 сўм, тушлик учун эса 180 сўмдан пул олишади.

Ошхона, савдо дўкони, тиббий ёрдам хонаси ва сартарошхоналар улар хизматида. Бу ерда тикувчи ёшлар жамоанинг 60 фоизини ташкил этади. Бинобарин, корхонанинг «Ёшлик» номи билан аталишида ҳам рамзий маъно бор.

Куни кеча корхонанинг 1200 га яқин ишчи-хизматчилари ҳашарга чиқишиб, унда ишлаб топилган маблағдан 1 миллион сўмини «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳисобига ўтказишга қарор қилишди.

«Ёшлик» тикувчилик корхонасида илғорликни қўлдан бермай келаётганлар талайгина. Айниқса, 7-цех корхонанинг фахри ҳисобланади. Цех бошлиғи Лариса Панова қарийб 30 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилади.

— Ишда сифат ва суръатга эътиборни қаратиб меҳнат қилаётган Барно Обидова, Маъмура Саидбоева ва Таифа Абдуқаҳҳоровалар ойлик режаларини 150—200 фоизга уддалашади, — дейди цех бошлиғи Л. Панова.

Ҳа, бу илғорлар изидан бораётган ўнлаб чеварлар бор «Ёшлик»да. Ўйлаймизки, улар «Ёшлик» тикувчилик корхонаси ёрлиғи билан чиқадиган костюм-шим ва бошқа маҳсулотларнинг харидоргирлигини янада оширади. Ҳали ёш, аммо изланиш ва интилиш сари бораётган корхонанинг асосий мақсади ҳам шу.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Адабиет ва санъат

** Буюк сиймолар*

Саъдий Шерозий

ПАНДУ ҳикмат оламининг буюк устози, ғазалда қалби дарё, маснавийда беҳамто, назму наср «Гулистон»ида боғбону шеърият «Бўстон»ида сухандон ҳазрат шайх Саъдий узоқ умр кўриб, шунга яраша улкан адабий мерос қолдирган. Шарқда бирор шоир йўққи ижоду умрда Саъдийга ўхшашни орзу қилмаган бўлса. Шоир бўлмаганлар ҳам «Саъдий ёшига етайин» — деб, кўп орзу-умидлар билан оламдан ўтганлар. Бу масал мозийдан келажак қадар фозилу донишмандлар фикру зикрида бўлгуси. Аммо урфиятда соқолига оқ тушган эллик-олтмиш ёшли одамларга қарата ҳам «Сизнинг ёшингизга етайлик,. Сизга ўхшаб юрайлик» — деган гаплар кўп эшитилади. Куфроналик ёмон нарса. Бироқ ўхшаганда ҳам буюк сиймоларга ўхшашга ҳаракат ва ният қилиш керак. Матбуот ҳаёт кўзгуси бўлгач, унда гап келиб қолганда ичга ютиб ўтириш хоинлик бўлган. Ҳолбуки бу борада ҳам шайх Саъдий ҳазратлари шундай деганлар:

Агарчи донишмандлар ҳузурида жим туриш,—
Одобдир, пайти келса сўзлаб қол.
Икки ҳол ақлсизлик. Гап келганда гапирмай,
Зарур чоғда жим турмай, бўлиб кетиш сўзамол.

(Ш. Шомуҳаммад таржимаси.)

Шундай қилиб Муслиҳиддин Саъдий Шерозий тахминан 1184 йил Шероз шаҳрида диндор ва дин пешволари оиласида таваллуд топган. Шоирнинг падари бузрукворлари замона ҳукмдорлари Отабеклар салтанатида диний мушовир бўлиб хизмат қилган. Саъдий 1292 йилнинг 9 декабрида оламдан кўз юмган.

Саъдий бир юз саккиз баҳорни кўрди,
Кашфи ғазал қилди, яратди «Бўстон».
Навоий томондан азбар этилди,
Нодир ривоятлар кони «Гулистон».

Фақат ҳазрати Навоийни эмас, юзлаб ғазал даҳоларининг устози бўлмиш Шайх Саъдий гўзал калом ва яширин маънолар ҳазинасининг калитдори, назмий тафаккур оламининг подшоҳидур:

«Дар шеър се тан паямбаронанд,
Ҳарчанд ки «ло набию баъди».
Авсофи қасидаю ғазалро
Фирдавсию Анварию Саъдий».

Таржимаси:

Шеъриятда учта пайғамбар,
Ҳар нечаки «ло набию баъдий».
Маснавию ғазал ёзишда
Фирдавсию, Анварию, Саъдий.

Саъдий мумтоз адабиёт жанрларининг барчасида қалам тебратган ва замона устози сифатида ватандоши Ҳофиз Шерозий дунёга келганича шеърият байроғини баланд кўтариб турган буюк сиймодир. Унинг таъсирида Ҳофиз, Камол, Жомий ва Навоийлар форсу туркийда ғазал мактабини яратдилар. Шоирнинг барҳаёт ғазаллари ҳар қандай давру замонда ўз қадру қимматини йўқотмасдан: «Қўйгилки йиғлайин то мисли булут баҳорлар» ўзининг доимо кераклигини уқтириб келмоқда.

Шоир ўткинчи дунёда ҳар ким ўз иши билан шуғулланиши, беҳуда саъй ҳаракат, ялқовликни қоралаб шундай дейди:

«Биншинаму сабр пеш гирам,
Дунболан кори хеш гирам».

Таржимаси:

Ўлтираман сабр этиб нуқул,
Ўз ишимга бўламан машғул.

Шоирнинг ибратли каломи ила сўзни мухтасар қилиб, эътиборингизга унинг бир жуфт ғазалини ҳавола этамиз.

Мутаржим.

ҒАЗАЛЛАР

Лаъли лабинг ким тишлади, эй қулғучи шўх гўзал?
Ва латофат боғида ким узди гул юздан бу гал?
Умрида, айт, ким емиш бундай ажойиб мевани?
Ким кесиб эрмиш ўзи бундай қовун мисли асал?
Эй Хизр, ўлмас ҳалолинг то тирикликнинг суви,
Ким билурсан не азобда сўрди Искандар тугал?
Кимса қонин оқизибсен ёки бу майдур қизил?
Ёки тутнинг қорасиму тўнга томмиш олу ял?
Суҳбат аҳли бирладурсан қочасан биздан мудом,
Сен гуноҳкор ўлмасанг бахтдан гуноҳ ҳуркмиш азал.
Кўп таваққуф этмас ул гар мевайи пурбор эрур,
Билса мардум ширину пишганлигини ҳар маҳал.
Шукр бўлгай то бу девор бир йўла кетмиш тубан,
То яна айтмасмусен бу боғни кўрмоқмас амал.
Гул ҳам ул ҳафта ичинда очмас эрди оғзини,
Ким бугун тонг ели бирла пардаси чок бемаҳал.
Оққан ул майдур қизил, бўлмас солиб жомга яна,
Бизга бу хумдан етар бегоналар ичгач ҳаял.
Саъдий энди бош олиб кет ўзга бўстонлар сари,
Бу боғнинг пайҳон этиб айғирлар ўтди галма-гал.

* * *

Қўйгилки, йиғлайин мен мисли булут баҳорлар,
Тошдан фиғон таралгай ажралганида ёрлар.
Айтингки, сорбонга кўзёшларимни ҳолин,
Емғирда маҳмил ўртиб, оҳ чекмасин норлар!
Кимки фироқ шаробин бир кунн нўш этибдур,
Билгайки, йиғлагай қон қатъий умидворлар.
Ташлаб кетишди бизни кўзларда ашки ҳасрат.
Иғлар чу охиратда чашми гуноҳкорлар.
Бошимга тушди андоқ ишқингни можароси,
Мингдан бирин на айтдим дил қайғуси ҳазорлар.
Эй субҳи шабнишинлар, қолмай жонимда тоқат,
Зероки кеч қолдинг, чун шомн рўзадорлар.
Саъдий тирикчиликда бор дилда меҳринг оё,
Ошкор этолмагайсан, иллоки рўзгорлар.
Неча қилай ҳикоят, Шарқ шунчалар кифоят,
Десанг абад эшитмас, иллоки ғамгусорлар.

Форсийдан Олимжон БЎРИЕВ таржимаси.

БОҒИ ЭРАМДА ЯССАВИЙХОНЛИК

ШУ кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида маданият ва санъат икки ойлиги ўтказилмоқда. Мазкур тадбир давомида халқимиз миллий урф-одатлари, қадриятларимиз мужассам бўлган халқ сайллари, фестиваллар, кўрик-танловлар, ота-боболаримиз ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ҳикоя қилувчи ижодий кечалар, театрлаштирилган томошалар ташкил этилаяпти.

Ана шундай катта тантаналардан бири пойтахтимиздаги Боғи Эрам маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавий таваллудининг 900 йиллигига бағишланган «Аждодларимиз шуҳрати» деб номланган адабий бадиий кечада фалсафа фанлари доктори Турғун Қаҳҳоров, шарқшунос олим Неъматжон Жабборов, физика-математика фанлари номзоди Фатхулла Зикриллаевлар ҳазрат Яссавий ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли ҳикоятлардан сўзлаб бердилар.

Бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари тарихий саҳна асаридан кўринишлар ижро этишди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

** Ижодий жамоаларда*

«Туркистон» истеъдодлари

КУЙ-қўшиқни ким севмайди дейсиз?! Радио ёки телеэкран орқали янграган дилрабо тарона кўнгилларга ҳузур бағишлайди. Хонанда Мавлуда Ойнақулова ўзининг ана шундай дилкаш қўшиқлари билан халқимизга яхши таниш. У кўп йиллар давомида Комилжон Отаниёзов номли «Лазги» ашула ва рақс дастасида хизмат қилиб келади.

Санъаткор халқи табиатан қизиқ. Йиллар ўтган сари орқага, босиб ўтилган йўлга назар ташлар экан, негадир дастлабки қўшиқларидан кўнгли тўлмай, янада дилбар қўшиқлар яратиш иштиёқида бўлади. Бу каби санъаткорларга ҳавас қилса арзийди. Сабаби, ўзи яратган қўшиқларидан қониқиш ҳосил қилиб, янгилик изламайдиган санъаткордан дилни тўлқинлантирувчи қўшиқ кутиш бефойда. Шу маънода Мавлуда Ойнақулованинг «Лазги» ашула ва рақс дастасидан ажраб чиқиб, янги даста тузганини одил баҳолаш керак. Янги ташкил этилган дастани энди дунёга келган чақалоққа қиёслагинг келади. Чақалоқнинг қандай инсон бўлиб етишиши кўпроқ онага боғлиқ бўлса, янги ташкил этилган дастанинг ривож топиши унга раҳбарлик қилаётган инсонларга боғлиқ. Бироқ, ҳар бир янгиликнинг ҳаётга кириб келиши қийин кечганидек Мавлуда опа ташкил этган даста ишларини юргизиш осон кечмади. Бу ҳақда Мавлуда Ойнақулова ҳаяжон билан ҳикоя қилди даста ҳақида.

— Дастани энди тузган пайтимизда мен маслаҳат сўраб устозим Гавҳар опа Раҳимовага учрадим. Муҳаммаджон Мирзаев ҳам менга жуда катта ёрдам берди даста тузишда. Зуҳра Ғозиева рақсларни саҳналаштиришда кўмаклашдилар.

Санъаткорларни эшитиш масаласига келганда, албатта ижрочида маҳорат бўлмаса ижро этган қўшиғини халқимиз тушуниши ҳам қийин, эшитиши ҳам оғир. Шунинг учун ҳозирданоқ ижрочилик маҳоратини ўстириб бориш асосий вазифамиз. Фурсатдан фойдаланиб менга берган, бераётган ёрдамлари учун устозларимга катта раҳмат айтмоқчиман. Дастамиз ташкил топгандан буён Самарқанд, Жиззах, Навоий, Фарғона вилоятларида концертлар қўйдик. Не бахтки, томошабинлар хурсанд бўлишди.

— Келажакдаги орзу-ниятларингиз қандай?

— Биз дастамиз дастурини, репертуаримизни кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Халқимиз биздан қанча хурсанд бўлиб, ашулаларимизни завқ билан эшитса, биз жудаям хурсанд бўламиз. Кейин дастамиздаги хонанда, раққосаларнинг сафини ўстириш устида ҳам ўйлаяпмиз. Истеъдодли хонанда ёшлардан бири мана Наргиза Узоқовадир.

— Наргиза, марҳамат қилиб ўзингиз ҳақингизда муштарийларимизга қисқача гапириб берсангиз?

— Мен жуда ёшлик пайтларимдан ашула айтишни яхши кўраман, — деди Наргиза. — Шу қизиқишим туфайли мен ўрта мактабда ўқиш билан бирга мусиқа мактабида ҳам таҳсил олганман. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа-педагогика факультетига ўқишга кирдим. Ҳозир тўртинчи курсда таълим олаяпман.

— Наргизахон, республикамизда жуда кўп дасталар мавжуд. Нима учун сиз айнан шу янги ташкил топган «Туркистон» дастасида ўз фаолиятингизни бошладингиз?

— Мендаги мусиқага бўлган ихлос, қўшиқ айтишга бўлган қизиқиш мени шу «Туркистон» дастасига бошлаб келди. Шу дастада фаолият бошлашимнинг сабаби, мен илгаридан Мавлуда опамнинг қўшиқларини жуда севиб тинглаб келар эдим. Уларнинг ҳар бир чиқишлари менда катта таассурот қолдирарди. Айни вақтда эса биз Мавлуда опамлар билан бирга бир дастада ижод қиляпмиз. Бундан мен жуда хурсандман. У кишини ўзимнинг устозим деб биламан.

Келажакда орзу-ниятларим беқиёс. Инсонда баъзан шундай дамлар бўладики, бу дамларини оддий сўз орқали ифодалаш қийин. Шундай дамларни фақат қўшиқ орқали етказиш мумкин. Мен келажакда халқимиз дилига етиб борадиган юрагидан озгина бўлсада жой оладиган қўшиқлар яратмоқчиман. Ҳозир истиқлолимизнинг икки йиллиги байрамига қизғин тайёрланмоқдамиз.

Янги ташкил топган даста номини «Туркистон» деб атадилар. Бу улуғ номга муносиб бўлишунинг иштирокчиларидан катта масъулият талаб этади. Ёш хонандалардан Шуҳрат Дадажонов, Ўринбой Ўринов, созандалардан Ғофуржон Йўлдошев, Санъат Мадраимов, раққосалардан Элгиза Мажидова, Аделина Товутдинова, Ойдиной Марасулова, Шоира Ғойибназаровалар ана шу номга муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Мусиқани дил таржимони, дейдилар. Демак, мусиқа, санъат халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи воситадир. Ташкил топганига эндигина бир йил бўлган «Туркистон» дастаси ҳам ўз қўшиқ ва рақслари билан халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Муҳайё МИРСАИДОВА.

** Суратли ахборот*

Қўли гуллар туҳфаси

ДАСТГОҲ айланади. Устанинг қўлларида яхшилаб ийланган лой борган сари аниқ бир кўринишга кира бошлайди. Мана у товоқ шаклини ола бошлади. Яна бир қанча муддат ўтгач эса она тупроқдан узилган зувала коса, лаган, товоқ бўлиб ўтхонага киради. Ўтхонадан пишиб чиққан идишлар эса моҳир мусаввирлар қўлида сайқал топиб, бизнинг хонадонимизга ташриф буюради.

Республика халқ ижодкорларини ўзида бирлаштирган «Усто» бирлашмаси айни кунларда мустақиллигимизнинг икки йиллиги тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг қўлларидан чиққан оддийгина ўйинчоқдан тортиб, улкан бинонинг залларидаги бирдан-бири мунаввар нақшлар ва бўёқлар нозик дид халқимизнинг асрий анъаналарини ўзида жамлаган. Халқ усталари яратган ҳар бир нарса дастлаб миллийлиги билан диққатимизни ўзига тортади. Томоша қиласану офарин сизларга қўли гул усталар дейсан.

Тоҳир ИЎЛЧИЕВ.



СУРАТЛАРДА: 1. Уста Набиев бригадаси ишлаган бино шифти. 2. Уста И. Комилов яратган сопол идишлар. 3. Виктор Шурков турли хил қўғирчоқларни ясаш ишқибози. 4. Қўли гул Муҳаррам Иброҳимова яратган ёдгорлик буюмлари.

** Шинил ҳикоялар*

ЭГИЛИБ ЯШАМАЙМАН

ГИЁҲ шамолнинг измига кўникиб қолган. Шарқ томон эсса шарққа қараб эгилади. Жануб томон эсса жанубга қараб. Шамол шунисига «маст». Унинг мўмин-маъқуллигидан завқланиб яйрайди.

— Ихтиёрингни шамолга қўйиб қўйганингга ғашим келяпти. Турдошмиз ахир, — деди мўмин гиёҳга бир гиёҳ.

Мўмин гиёҳ ўзини шамолнинг йўлидан чиқолмаслигини ичида пинҳон тутиб, бошқа важ топади;

— Шамолда эгила бериб чайир тортдим. Сен ҳам шамол измига кир. Бўрон турса синиб кетишингдан чўчийман.

— Мендан чўчима. Синсам-синаманки, эгилиб яшамайман, — деди мард гиёҳ.

ҚУШ ВА ДАРАХТ

ҚУШ дарахтга уя ясаб, бола очди. Кўмкўк барглар оғушида, шамоллар беланчагида чуғир-чуғирлаб, полапонларини учирма қилишдан «маст».

Дарахт қариб, қуриса ҳам инини тарк этмади қуш.

Дарахт шамолдан сингач, бечора қуш вайроҳа ин ёнида чирқ-чирқ парвона.

— Гўл экансан. Дарахт қуригач, дарров кўм-кўк жойларга учиб кетмайсанми? — деди бегона қуш унга ачиниб.

— Қуримасдан яшиллигида кетганимда балки, унга билинмасди. Қуригач, уни тарк этишга кўнглим бўлмади. Юртдан ҳам уялдим.

ИЛҲОМ ПАРИСИ

ИЛҲОМ парисини излайман. Ҳеч ўзини кўрсатмайди. Излай, излай гоҳ хаёлнинг ҳувиллаган туманли бўшлиқларига кириб қолгандек бўламан.

Излай-излай боғ ишига шўнғидим. Қўлим қабарди. Юзимда реза-реза тер. Фикрларим маънодан тўлишиб тиниқлашади.

Лаб очган ғунчалар: «Биз сенинг тотли мевангизмиз ва гўзал туйғунгмиз», дея мени ўзига чорлайди.

Энди мен илҳом парисини излаб юрмайман. Меҳримни боғларга улашсам бас. Илҳом париси жилва билан мени ўзига чорлайверади.

ГУМОНСИРАШ

ТАНДИРГА ёпилган нон қизармасданоқ оқиб туша бошлади.

— Тафтимдан яхши оқардинг-ку. Нега сени ушлолмай оқиб тушяпти нон. Эскиб қолгандирсан, мўрт бўлиб, — деди олов тандирга.

— Яқинда қурилганман-ку. Тафтинг керакли маҳалда пасайиб қолдиёв. Балки шундандир, — бўш келмади тандир ҳам.

— Ҳамма айб зуваламни яхши пишитмаган қўлда-ку, — деди нон лаб-лунжини осилтириб чўғ устига тушаркан, — бир-бирингизга гумонсираб айб қўйганингиз ортиқча.

ҚУЁШ ВА БУЛУТ

ҚУЁШНИНГ иссиқ нуридан экинзор ва мевазорларнинг ҳосилига ҳосил, мазасига маза қўшилмоқда. Қуёшнинг меҳр, саховатига она заминда олқиш, миннатдорлик...

Осмоннинг бир чеккасида пайдо бўлган бир парча булутнинг қуёш шаънига бўлган мақтовларидан ичи куяди. Қовоғини уйиб етиб келди-да қуёш юзини тўсади.

— Ҳалақит берма, қоч. Иссиғимдан ердаги нарсалар баҳра олаётган эмиш, — деди қуёш булутга жилмайиб.

— Ерга нам ҳам керакдир. Озгина ҳўллаб қўяй, — баҳона қилди булут.

— Ҳозир сени ер ҳам, одамлар ҳам ёқтирмас. Яна ўзларига ҳавола, — ҳайрон бўлди қуёш.

Булут бир, икки томчилади. Одамлар юзида булутга норозилик, ноҳушлик: «Бу бевақт ёққан ёмғир экинга зарар. Экинга қул, ширани чақиради...»

Булут қараса бўлмайдиган, «одамлардан олқиш ўрнига қарғиш оляпти. Бунинг устига ёз чилласи-да, қуёшнинг қирчиллама йигитлик — олов пайти. Таптига чидаш қийин. Хиёл эсган ел қанотида қочиб қолди. Қуёш яна она ерга нурини аямай сочади.

Булутнинг эса бағри кенг қуёш олдида ғиншиб, ҳасад ўтида юзининг куйгани қолди.

ТУПРОҚ ҲИДИ

ТОМОРҚАДАГИ сабзавот ниҳолларини чопиқ қиламану, ҳовлидаги болаларнинг сўзига зимдан қулоқ соламан. Улар гул, райҳонларни ҳидлаб-ҳидлаб бир-бирига уқтиришади.

— Менга сада райҳоннинг ҳиди ёқади, — дейди бири. Яна бири: «Менга атир гулники, чиройи ҳам зўр», — деса учинчиси: «Мен икковини яхши кўраман», дейди.

Сўзларидан яйраб-яйраб кетмон чопаман. Ичимда фикрларига тўлиқ қўшиламан. Нега қўшилмай?! Ахир мен ер билан тиллашувчи, меҳрим меҳрига пайванд деҳқонман. Минг хил гулу, райҳон, ниҳолларнинг ёқимли ҳиди, чиройи шу меҳримиз пайвандидан!

Кетмоним зарбидан чопилаётган бўрсилдоқ тупроқнинг намхуш ҳиди димоғимга урилади. Ўша мақтовли ҳидларнинг боши тупроқ ҳиди доим бор бўлсин, дейман.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

НУФУЗЛИ КЎРИК

ЎЗБЕКИСТОН театр арбоблари уюшмаси яқинда яна бир йирик халқаро маданий анжуманни ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Шу йилнинг кузида Тошкентда ўтадиган бу нуфузли кўрик саҳна усталари учун навбатдаги жиддий ижодий имтиҳон бўлади.

«Театр: Шарқ ва Ғарб» деб номланган бу халқаро фестивалга республикамиз санъат кошоналарида ҳам катта тараддуд кўрилмоқда. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри ҳам катта ният билан ишга киришди. Отахон театрнинг санъат аҳли «Макбет» деб номланган спектакли билан фестивалда қатнашадиган бўлди.

Машҳур инглиз драматурги В. Шекспирнинг ушбу асарини постановка қилишда санъат кошонасининг етакчи артистлари ижодий ғайрат кўрсатадилар. Ушбу спектакль саҳна юзини кўргач, театр Шекспирнинг яна бир ёрқин асари билан ўз мухлисларини мамнун этади.

Акбар АЛИЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН солистлари» мусиқа маркази тузилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида марказ йўли билан қатор ибратли ижодий ишлар амалга оширилди. Уюштирилаётган концерт томошалари ҳам мусиқа шинавандаларида яхши таассурот қолдирмоқда.

Яқинда ташкил этилган мусиқали кечага ҳам «Ўзбекистон солистлари» катта тайёргарлик кўрдилар. Мўъжаз санъат аҳлининг бадиий раҳбари таниқли скрипкачи

ЖОЗИБАЛИ КЕЧА

М. Турдиев бошчилигида ҳозирланган бу мусиқали дастурда Ўзбекистон бастакорларининг жозибали асарларига кенг ўрин берилди. Шунингдек концертда Италия, Венгрия композиторларининг ижод намуналари ҳам янгради.

Атоқли бастакор Сулаймон Юдаковнинг Пушкин шеърига ёзган «Куйлама, соҳибжамол» романси завқ билан тингланди. Бу каби мусиқали асарларни томошабинларга тақдим этишда марказнинг солистлари ҳисобланган Тошкент давлат консерваториясининг ўқитувчиси С. Мошков ва А. Грингоф, олий мусиқа мактабининг талабалари Г. Жўраев ва Э. Аблякимовлар катта ижрочилик маҳоратини кўрсатдилар.

Алишер АҲМЕДОВ.

** Ёз мавсуми муаммолари*

Фавворада чўмилманг!

ЁЗНИНГ айни иссиқ кунлари. Қуёш бор саховатини аямай борлиқни қиздиради. Бундай дамларда одамлар ўзини соя-салқинга уришади. Гоҳида шаҳарнинг гавжум жойларида, фавворалар остида чўмилаётган болаларни кўриб биз катталар уларга ҳавас қилиб ўтиб кетамиз.

Аммо, фаввора суви соғлиққа зарар келтириши мумкинлигини ҳамма ҳам биларвермаса керак. Билишса ҳам эътибор беришмайди. Ҳавзалар, чўмилиш жойлари талабга жавоб бермаслиги туфайли, қуёш нурида товланиб тушаётган оппоқ фаввора сувини болалар (ҳатто катталар ҳам) тоза деб ўйлашади. Ваҳоланки, бу ердаги сувлар доимо жойида айланиб туради, яъни оқиб турмайди.

Айни пайтда шаҳримиздаги ўн еттита оммавий дам олиш масканида еттитасида сунъий қўллар мавжуд. Ёз фаслида кўпчилик шу жойларда чўмиладилар. Бугунги кунда биргина Бектемир тумани ҳудудидаги «Бахт» ва «Роҳат» дам олиш масканларида кунига 30-35 мингга яқин аҳоли хордиқ чиқараяпти. Ҳатто шанба ва якшанба кунлари чўмилувчиларнинг сони 60—80 мингга етади. Бу ерда етарли шароит яратилган, дейиш мумкин. Бу йилги мавсум учун маскан тўла таъмирланди. 50 ўринли меҳмонхона қайтадан жиҳозланди. Маиший шароитлар яхшиланди. Оромгоҳ директори Аҳмаджон Жалилов шундай деди.

— Ҳозирги иссиқ дамларда бу ерга келувчилар жуда кўп. Уларга имкон қадар шароит яратиб беряпмиз. Масканимизнинг умумий майдони 170 гектар. Шундан 70 гектари сув ҳавзаси ҳисобланади. Дам олувчилар учун қайиқлар ижарага берилаяпти. Кўлнинг сувини шаҳар ва Бектемир тумани санитария-эпедимиологияси станцияси ходимлари томонидан кунига уч маротаба текшириб борилади. Шуниси ачинарлики, бизда транспорт масаласи муаммо бўлиб турибди.

Афсуски, шаҳардаги бошқа кўллар бундай шароитдан мустасно. Айниқса Ғалаба, Бобур маданият ва истироҳат боғлари, Ўзбекистон миллий боғидаги кўлларга чиқиндилар ташланган. Ғалаба боғининг кўли аллақачон қуриб қолган. Шунинг учун бўлса керак бу маданий масканларда дам олувчилар кам.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар санитария-эпедимиология станцияси ходимлари томонидан дам олиш масканларидаги сув ҳавзалари текшириб кўрилди. Натижада Бобур маданият ва истироҳат боғи санитария ҳолатининг қониқарсизлиги туфайли боғ маъмуриятидан жарима ундирилди. Бироқ, бу билан аҳвол яхшилангани йўқ. Бундан ташқари шаҳар ичидан оқиб ўтган ариқлар, каналларнинг аҳволи ҳам кишини қониқтирмайди. Хонадонлар, турли хил корхоналардан чиқиндилар сувга оқизилади. Ариқларда эса болалар ҳамон чўмилишмоқда. Биз шаҳар санитария-эпидемиология станциясида бўлганимизда оқава сувларнинг тозалиги қай аҳволда эканлиги билан қизиқдик. Маълум бўлишича, ўтган йилнинг олти ойи мобайнида очиқ сув ҳавзаларида олиб борилган текширишларда 520 марта сув таркиби кўриб чиқилган. Шунда Салор, Қорақамиш, Бўзсув ва Оқтепа каналларида бир неча марта талабга жавоб бермайдиган натижалар қайд этилган.

Назира СОДИҚОВА.

** Жой номлари тарихини биласизми?*

АВЛОДДАН АВЛОДГА

ҲАР бир ҳунар ўтмишда авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолиши билан бирга боболар санъати ниҳоятда қадрланган. Энг муҳими, энг яхши анъаналар кейинги авлод томонидан чуқур ўрганилиб, унга ижодий ёндошилган, уни тобора такомиллаштириб боришган. Шош шаҳри ҳунармандларининг маҳсулотлари Ғарб ва Шарқ мамлакатларида ўзининг нафислиги, миллий руҳ акс эттиргани билан ғоят машҳур бўлганлиги сир эмас. 1917—1920 йилларда Москва, Санкт-Петербург музейларини безаб турган мисгарлар санъатию заргарларнинг хорижликларни лол қолдирадиган турли тақинчоқлари, чевар момоларимизнинг сеҳрли қўллари билан тикилган дорпечлар, палаклар ўн йиллаб тикилгани, оддий чоклардан тортиб, мураккаб гулларгача тикилган буюмлар ниҳоятда қадрлангани маълум.

Қадимда нафақат ҳунармандлар номи эл-юртда машҳур бўлган, ҳаттоки у ёки бу ҳунар билан машҳур бўлган махсус маҳаллалар зариф, иқтидорли ҳунармандлари билан машҳур бўлишган. Чунончи, «Қаймоқчи», «Ўқчи», «Заргар» каби мавзелар нафис, нафосатга бой, авлоддан-авлодга минг йиллардан бери ўтиб келаётган ҳунармандлар номини барча тошкентликлар билмаса керак. Ёшларимиз ўз ота-боболари ҳунарлари билан таниш бўлса эди, ғурур ҳисси билан яшаб, ўз она шаҳримиз билан фахрланмасмиди?

Заргарлар сардори тошкентлик Мулла Бувахон Охун ўз касбининг соҳиби бўлиши билан бирга қурол-аслаҳа, тўплар ясаш билан хонликлар осойиштаligини ҳимоя қилишда ўз ҳиссаларини қўшганликлари шубҳасиз. Шуни айтиш керакки, Бувахон Охун хонлар саройи аёллари учун нафис зирак, узук, билакузук, зебигардонлар ясаган, улар ҳозир МДҲ музейларида сақланмоқда.

Бувахон Охун нафақат машҳур заргарлар сардори, ҳатто маърифатлиликлари билан машҳур бўлганлар. Қўқон, Хива, Бухоро сарой хонлари сирларини билган машҳур ҳунарманд, адолатсизлик туфайли бир асрча бурун қирқта туяга ортилган хотинлари, бола-чақалари билан ҳозирги 24-умумтаълим ўрта мактаби ёнидаги Ленточная кўчасига келиб, уй-жой қилганлар. Авлодлари кўпайиб, ҳозир бу ер мавзега айланган. Ушбу мавзе номи бутун Марказий Осиёга тарқалгач, исми ўзи билан бўлиб, халқ унга «Заргар» мавзеси деб ном берди. Демак, эски номлар билан аталадиган жойлар номини ўзгартириш маданиятимизни менсимасликдир.

Тошкентликлар шаҳардаги биринчи соатсозни билмасалар керак. Бу ерда уста Убайдулла отахон бўлганлар. Қаранг, транспорт воситалари қийин бўлган бир пайтда у киши Швейцарияга бориб, ҳунарни такомиллаштириб келганлари ҳақида набираси, Заргар маҳалласи фуқароси Ғанижон Исломов шундай дейди:

— Биласизми, «Заргар» мавзесида кимдан сўрасангиз авлодимиз заргар бўлган, ҳаммамиз бир авлодмиз, дейишади.

Ҳунар соҳиблари ҳунарни шунчаки ишлатиб қолмай, ихтирочи ҳам бўлишган. Убайдулла соатсознинг ўзлари бир асрдан аввалроқ тугмачали чўнтак соат кашф этиб, тугмани қоронғида босса соат нечалигини билдирувчи бонг урган. Соатсознинг ўғиллари Рихсилло, унинг ўғли Забихилло соатсозлик ҳунарини давом эттириб келишмоқда.

«Заргар» мавзеси ҳозир ҳам катта-кичик ҳунармандлар макони, десам ҳато бўлмайди. Саксон ёшли попопчи Фотима бувимиз иштиёқ билан юзга яқин хотин-қизларга ҳозир ҳам устозлик қилиб келмоқдалар. Тоҳир заргар қизи Хадичахон ҳам буви туфайли бадиий буюмлар бирлашмасининг илғор ишчиси, эл оғзига тушган аёллар. У тиккан палак, дорпеч, кирпечлар қизини узатганида сарполар орасида ҳамманинг оғзини очириб қўяди. Хадичахон бирор нарсани бўлсада, бозордан олмай, барчасини ўзи тиккан. Аҳа, ҳунар — тежамкорлик ва ҳақиқий санъатдир.

Турсун АЗЛАРХОНОВ.

** Бу — қизиқ*

ЛАМПОЧКАНИ ТУХУМ ДЕБ...

ЎЗИГА ўлжа излаб юрган 120 сантиметрли илон Ҳиндистондаги паррандачилик фабрикаларидан бирига кириб, токчада турган иккита лампочкани кетма-кет ютиб юборган. Илон лампочкани тухум деб ўйлаган бўлса керак-да! 45 минутлик жарроҳлик жараёнидан сўнг илон ичидан... лампочкалар бус-бутунлигича чиққан!

СУНЪИЙ ҚЎЛДА ТУҒИЛГАН

«МЕЛЬБУРН» лақабли ўн саккиз ёшли урғочи дельфин Зольтау шаҳридаги сунъий кўлда болалади. Агентликнинг хабарига кўра, бу Германия Федератив Республикаси ўрамида дельфинлар сунъий равишда боқилаётганлигидан буён юз берган биринчи воқеадир.

12 КУНЛИК МУТТАСИЛ УЧИШ

САМОЛЁТДА 12 кунгача бирор аэропортга қўнмасдан, қўшимча ёнилғи қуймасдан ер юзини айланиб юриш мумкинми? Англияда чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишича қараганда, америкалик бир гуруҳ учувчилар ва муҳандислар ана шу ниятнинг устида алоҳида ишлашмоқда. Алоҳида лойиҳа бўйича қуриладиган бундай самолётнинг асосий қисми ёнилғи қуйиладиган ҳамда олдидаги ва орқасидаги моторлари билан ҳаракат қила оладиган бўладилар. Ёнилғини иқтисод қилиш мақсадида учиш тезлиги соатига 100 километрдан хиёл оширилади. Учувчилар эса, 12 кун давомида ўз ўринларини тез-тез алмаштириб турадилар.

Латиф ЗАМОН.

«БИЗГА ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ»

БИШКЕК шаҳрида у-шунинг янги тури, эркин жанг олиб бориш услуби — санъда бўйича «Қирғиз жери», — «Қирғиз ери» номли халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ўзбекистонлик спортчиларнинг бу борадаги тажрибаси йўқлигини ҳисобга олиб 13 вазн тоифасидан фақатгина тўрттасида иштирок этишга рухсат берилди. Шундай бўлсада, тошкентлик Раҳматохун Рўзиохунов, Ойбек Жўраев, Владимир Ким каби вакилларимиз мутахассису мухлислар ҳурматини қозондилар. Айниқса, 67 килограммгача бўлган вазн тоифасида қатнашган Бахтиёр Ўрозбоевнинг бишкеклик машҳур спортчи Оқил Холматовни финалда енгиши кўпчилик учун кутилмаган воқеа бўлди.

— Мазкур турнир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Лазеров, — ўзбек спортчилари маҳоратининг баъзилар ўйлаганчалик паст эмаслигини яққол исботлади. Мусобақа давомида жамоамизга қатор қардош давлат вакилларидан ҳамкорликда йиғинлар уюштириш ҳақида таклифлар тушди. Буларнинг барчаси бизни Марказий Осиёда тан олганларининг исботидир.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимиз фуқароси Михаил Аксельрод ҳакамлик маҳорати учун энг юқори баҳога муносиб топилди ва унга яқин кунларда халқаро тоифасида арбитр унвони беришлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шариф ЗАРИФ.

ЭРТАКЛАРДА ўқиб, киноларда баҳайбат аждаҳоларни кўриб бадиимиз жунжикиб кетади. Шундоқ таърифсиз бир махлуқларни қандай қилиб енгишаркин баҳодирлар? Тағин улар уч бошли, олти бошли, тўққиз бошли бўлишини айтмайсизми?

Аждаҳолар ҳақидаги афсоналарнинг тагида чинакам воқеалар бор. Ҳақиқатан ҳам қачонлардир Ер юзида кўп бошли улкан калтакесаклар яшашган. Ибтидоий одамлар уларни ўз кўзлари билан кўришган ва улар ҳақида авлодларига ҳикоя қилиб қолдиришган. Бўлмаса аждаҳолар ҳақидаги ваҳимали гаплар то ҳануз яшаб келармиди?

Бельгиялик фидойи олим Калахари саҳросидаги «Динозаврлар қабристони»ни қазиш ишларида қатнашгандан кейин, аждаҳолар ерда яшаган деб қатъий фикр билдирди. У ҳатто ўзининг бу тахминини журналда эълон қилдирди. Ёлғон чиқиб қолса олимлик шаънига доғ тушиши мумкинлиги ҳам уни заррача чўчитмади.

— Саҳродаги «қабристон» ҳақида радиода эшитиб қолдим, — деди Пьер Мовезкорн матбуот конференциясида. — Дарров самолётга ўтирдиму сафарга йўл олдим. Тан олишим керак, бирон бир янгилик очаман деб умид қилганим йўқ. Бундай «қабристонлар» Ер шарининг кўп ерларида бор. Ўзимни тўхтатолмадим. Нима қилай, қадим суякларни ковлаб топишни ўлгудай яхши кўраман.

Барибир унча катта бўлмаган бу қабристон мени боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Аввало суякларнинг кўпи майдаланган, айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Худди уни биров жаҳл устида олиб келиб ағдариб ташлаганга ўхшарди. Иккинчидан «қабристон»дан бир нечта тош топиб олдим. Улар қўполгина тарашланган тош болтага ўхшарди. Кейинроқ яхшилаб текшириб чиққанимдан кейин тошларнинг «ёши» қабристондаги скелетларнинг ёши билан баробар

** Ажойиботлар қомуси*

Аждаҳолар ерда яшаган

бўлиб чиқди. Ҳатто ҳозирги замон кишисининг ерда пайдо бўлиш вақтига ҳам мос тушарди. Энг муҳими қабристондан бир умуртқадаги уч бошни топганим бўлди.

Пьер Мовезкорннинг фикрича, «қабристон» сунъий равишда бунёд бўлган бўлиши ҳам мумкин.

— Мен, — дейди у, — ўша мускулдор, серсоқол одамларни, улар ўзларининг даҳшатли душманларининг бўлакларини белгиланган жойга (балки расм-русум ўтказиладиган майдонга) келтирганини, ғалаба шарафига уларни қиймалаганини тасаввуримда аниқ-таниқ кўргандек бўлдим.

Барибир уч бош унга тинчлик бермади. Энди ҳаваскор археологнинг ҳикоясини давомини эшитинг.

— Бир куни ўзимнинг палаткамда жазирама, саҳронинг иссиқ осмони остида ётганимда бирданига ўзимни билмай қолдим. Олимлар динозаврларнинг йўқ бўлиб кетишининг сабабларидан бири деб янги юлдузларнинг портлаши деб тахмин қиладилар. Иккинчи бир таҳлили ҳам борки сайёрамиз иқлимининг ўзгаришини баъзи организмлар кўтаролмаган, аниқроғи бу ўзгаришга мослашолмаган. Оқибатда кўп жонзотлар, шу жумладан динозаврлар ҳам ҳалок бўлишган. Кўпгина олимлар борки (мен ҳам уларнинг тарафидаман) космосдан Ерга тушган ўта кучли нурланиш ҳаммаёқни балога гирифтор қилган. Шу нурланиш динозаврларни ҳам мутация, яъни ўзгаришга мажбур қилган. Оқибатда икки, ҳатто уч бошли динозаврлар пайдо бўлганини барча негадир бўлмағур гап деб ўйлайди.

Ушбу тахмин орқали эртакларда яшаб келаётган аждаҳоларга бир назар солишни чамаси бекорчи гап деб ўйламаслик керакка ўхшайди. Чиндан ҳам илк одамзод кўп бошли ҳайвонларни кўрган бўлса, у билан ҳаёт-мамот жанггига киришган бўлса, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Уша жанглар ҳақидаги тасаввур соддагина бўлса ҳам олис авлодлар хотирасида сақланиб қолган.

Рости, ҳар нарсага эътироз билдиравермай, олис аждодларимиз яшаган даврларни жиддий таҳлил қилиш керакка ўхшайди. Шунда тимсоҳлар, улкан калтакесаклар, питон — бўғма илонларнинг пайдо бўлиши ҳақида тузукроқ илмий далилларга эга бўлармидик?..

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.

** «Мотокўрик—93»*

ГУВОҲНОМАЛИК БЎЛИШДИ

АГАР эс-ҳушни йиғиб бошқарилса, мотоцикл ҳам узоқни яқин қилувчи яхши бир транспорт воситасидир. У айниқса ёшлар учун қўл келади ва унинг ишқибози ҳам ёшлардир. Лекин кўпчилик қаноат қилиб ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олмай туриб уни бошқариб юради. Бу эса ўз навбатида йўлларда ҳаракат ҳавфсизлигини вужудга келтиради. Чунки ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ ҳайдовчи доимо тахлика, саросимада юради. Иложи борича йўл назоратчиларини четлаб ўтишга ҳаракат қилади. Мабодо йўл назоратчиси уни тўхтатса, қочиб қолишга тушади. Бу эса ҳаракат хавфсизлигини янада оширади.

Ана шундай қўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ҳайдовчилик гувоҳномасисиз мотоциклни ҳайдаб юрган ҳайдовчиларга кўмак бериш учун ҳар йили икки марта Тошкент шаҳар ДАН бошқармасининг имтиҳон ва рўйхатга олиш бўлимида мотокўрик ўтказилади.

Шу йил июнь ойининг охирларида ана шундай кўрикнинг биринчи тури бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари орқали кўрикка қандай ҳужжатлар топшириш лозимлиги ҳақида эълон қилинган бўлишига қарамай жуда кўпчилик ҳужжатларни тўлиқ йиғиб келмаганлигидан кўрикда иштирок эта олишмади.

Кўрикда иштирок этгани келганлардан фақат 45 киши мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини олди. Кўрик амалий имтиҳон топширишдан бошланди. Иштирокчиларнинг жуда кўпчилиги бу соҳада билимдон эканликларини намойиш қилишди. Сўнгра назарий билимлардан имтиҳон бўлди. Қатнашчиларнинг аксарияти бу ерда ўзларини йўқотиб қўйишди. Лекин имтиҳон бўлими ходимларининг ётиқлик билан имтиҳон топшириш аппаратидан қандай фойдаланишни қайта тушунтирганларидан кейин иш анча силлиқ кўчди ва назарий имтиҳонни 27 киши муваффақиятли топширди. Уларнинг ҳаммаси «А» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси олишди.

Ўтказилаётган бундай мотокўрикларнинг аҳамиятли томони шундаки, бу кўрикда «А» категорияли ўқув курсини тугатганлар эмас, балки мустақил равишда мотоцикл бошқаришни ўрганганлар иштирок этишади. Мақсад шаҳримиздаги ҳайдовчилик гувоҳномасисиз мотоцикл минувчилар сонини камайтириш. Бу эса юқорида эслатиб ўтганимиздек мотоцикл билан боғлиқ ҳар хил бахтсиз ҳодисалар сонининг камайишига олиб келади.

Энди, бу кўрикда иштирок эта олмай қолганларга келганда шуни маълум қиламизки, 1993 йилги мотокўригининг 2-босқичини ўтказишдан олдин яна кўрик ўтиши ҳақида эълонлар, қандай ҳужжатлар тайёрлаш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар берилади.

Ҳозирча эса 1993 йил мотокўригининг биринчи туридан муваффақиятли ўтиб «А» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси олганларга тилагимиз битта — йўлингиз бехатар бўлсин.

Даврон НУРМАТОВ.

СУРАТЛАРДА: «Мото—93» кўригида назарий ва амалий имтиҳон пайти.

Даврон Аҳмедов суратлари.

** «О2» хабар беради*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

12 июлдан 18 июлгача бўлган муддат ичида Тошкентда 316 марта жиноятчорона ҳуружлар бўлганлиги қайд этилди. Ва уларнинг 265 таси ҳафта ичида очиб ташланди.

◎ Ичкилик туппа-тузук одамни махлуққа айлантиради, деб бежиз айтмайдилар. 12 июль - кечки пайт Марказ мавзесида истиқомат қилувчи 1960 йилда туғилган фуқаро ўз уйида 1954 йили туғилган акаси билан спиртли ичимликларни обдон истеъмол қилган. Албатта бундай пайтда кишининг кўнгли жуда «нозик» бўлиб қолади. Битта гап ортиқчалик қилади. Орада нима бўладию нохуш гап чиққач ўртада чиққан жанжал сабабли ука ўз акасининг баданига пичоқ санчади. Натижада етказилган жароҳатнинг оғирлигидан жабрланувчи 1-шаҳар клиник касалхонасига олиб кетилаётган пайтда жон берган.

◎ 12 июлда берилган хабарда айтилишича, Юнусобод даҳасида истиқомат қилувчи Тошкентдаги кооперативлардан бирининг бригадири, 1972 йилда туғилган кимса маст ҳолда ўзининг 1941 йилда туғилган қайнатасининг бошига ахлат челаги билан туширган. Бечора қайната касалхонанинг реанимация бўлими остонасида ўзига келмаган ҳолда ҳаётдан кўз юмган.

◎ 14 июль кундузи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси олдида гиёвандлик моддаларини сотишга уринаётган пайтда муниципал милиция рота қомандирлари Раҳимов ва Анорбоев ҳамда йўл патрул хизмати 3-рота тартиб посбонлари Сайдалиев ва Обидовлар томонидан 1969 ва 1971 йилда туғилган фуқаролар ушланди. Уларга тегишли бўлган челак текшириб кўрилганда ичидан 13.88 грамм миқдорда кўкнори чиқди.

◎ 15 июлда берилган хабарда айтилишича, уч номаълум кимса Тошкентдаги дўконлардан бирининг мудири хонасига кириб автоматик қуролдан ўқ узиб 1957 йилда туғилган дўкон мудирини оғир ярадор қилганлар. Натижада у 2-Тошкент тиббиёт институти шифохонасига олиб кетилаётган пайтда йўлда жон берган. Ушбу жиноятни содир этган босқинчилар ВАЗ—2106 маркали автомашинада кўздан йўқолганлар. Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг қотиллар 1963 йилда туғилган ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкентда истиқомат қилувчи шахснинг уйига бориб унг кўчага чақирганлар ва кўчада унинг ҳам кўкрак қисмига ўқ узиб оғир жароҳат етказганлар. У ҳам тез орада ҳаётдан кўз юмган. Ички ишлар ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида юқоридаги қотилликларни содир этган, ҳеч қаерда ишламайдиган 1969 ва 1967 йилларда туғилган уч шахс аниқланди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот шўъбаси.

«Ҳур ўлканинг соғлом келажаги»

КУНИ кеча Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ҳур ўлканинг соғлом келажаги» деб номланган байрам бўлиб ўтди. Байрамга Яккасарой туманидаги 9 та боғчадан тарбияланувчилар қатнашишди. Улар томошабиларга ўзларининг энг зўр концерт дастурларини, спорт мусобақаларини намойиш этишди. Байрам сўнггида болаларга 100 минг сўм миқдорида ҳар хил совғалар берилди. Ушбу байрам Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Яккасарой тумани ташкилоти, Ёшлар Иттифоқи, халқ маорифи бўлими томонидан ташкил қилиниб, «Алина» жамоат корхонаси, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи байрамга ҳомийлик қилдилар.

Шаҳло ХАЛИЛОВА.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ЭЪЛОНЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ

Юнусобод туманида яшаб табиий газдан фойдаланувчи фуқароларга

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Шаҳар газ хўжалигини 1993—1994 йиллар кузги-қишки мавсумга тайёрлаш мақсадида иш олиб борилаётганлиги муносабати билан

3 АВГУСТ КУНДУЗГИ ВАҚТ

(соат 13.00 дан 17.00 гача)

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА ГАЗ БЕРИШ ТУХТАТИЛАДИ

пойабзал устахонаси (А. Дониш кўчаси).
17-шаҳар касалхонаси,
Юнусобод даҳасидаги новвойхона,
11-мавзедаги чойхона ва новвойхона,
Ғуломмаҳмуд Абдуллаев ва «Ўзбекистон 50 йиллиги» номли жамоа хўжаликларининг иссиқхоналари,
Турғун Мирзаев участкасидаги, «Ўзбекистон 50 йиллиги», Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номидаги жамоа хўжаликларидаги ТУРАР ЖОЙЛАР.
Шаҳристон кўчаси, Юнусобод маҳалласи, радиостанция ҳудудидаги ТУРАР ЖОЙЛАР.

ГАЗ БЕРИШ ТИКЛАНГАНДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 04, 48-56-24, 55-44-27, 55-44-29.

Сирғали туманидаги «Экология ва қурилиш» йўналишидаги ихтисослаштирилган

305-ЛИЦЕЙ-МАКТАБИ

8—10 синфларга химия, биология ва физика фанларидан чуқур билимга эга бўлган

ЎҚУВЧИЛАРНИ

1993—94 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАБУЛ МУДДАТИ 5 АВГУСТГАЧА.
Танлов синови муддати 5 АВГУСТДАН 15 АВГУСТГАЧА.
Лицей синовлари икки йўналишда ЭКОЛОГИЯ ВА ҚУРИЛИШ; ЭКОЛОГИЯ-МЕДИЦИНА синфлари бўлади.
Шунингдек лицей-мактабимиз химия, биология, инглиз тили, она тили, география, рус тили фанларидан ҳамда бошланғич синфларга ўқитувчиларни танлов синови асосида қабул қилади.
Манзилгоҳимиз: Сирғали тумани «Қурилиш» даҳаси (104, 117, 130, 66 ва 86-автобуслар; 18-маршрутли таксининг «Қурилиш» даҳаси» бекати).
Телефон — 57-85-75.

«ЎЗБЕКСАВДО»

Давлат акционерлик ассоциацияси қошидаги

РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

(САВДО БИЛИМ ЮРТИ)

1993—1994 ўқув йилига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 2 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Билим юрти юқори малакали СОТУВЧИ, НАЗОРАТЧИ, КАССИР, БУХГАЛТЕР-ҲИСОБЧИ, ОШПАЗ ВА БИЧИҚЧИ-ТИКУВЧИ, ТУҚУВЧИЛАРНИ тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3, 6 ОЙ.

Билим юртига 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.
ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС тилларида олиб борилади.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги йирик дўконларда олиб борилади.
Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан маълумотнома, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 дона сурат.
Манзилгоҳимиз: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «ЧУПОНОТА», 13, 70, 45-«м», 116-автобуслар-нинг **«Тиббий тез ёрдам клиника касалхонаси»** бекатлари).
Телефонлар: 75-35-92, 75-35-86.

Ихтисослаштирилган таъмирлаш, қурилиш суғориш, гидротехник ишоотлари ва қўқалаҳзорлаштириш трестининг

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АВТОБАЗАСИ

ЗИЛ-130 шассисидаги сув сепадиган АВТОМАШИНАНИ «ВОЛГА» ГАЗ 24-10 енгил автомашинасига

АЛМАШТИРАДИ

Алмаштириш тартиблари билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Х. Турсунқулов кўчаси, 178-уй.
Телефонлар: 75-65-71, 74-19-41.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

24 май соат 17.00 билан 18.30 ўртасида Новомосковский кўчасида «Москва» кинотеатри қаршисида Пушкин майдони томонига бораётган яшил рангдаги «Запорожец»нинг йўловчини уриб кетганлигига гувоҳ бўлиб кўрганлардан 48-44-37 телефонига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

* * *

3 хонали квартирани («Чорсу» метро станцияси яқинида) 2 ва 1 хонали квартирага алмаштираман. Телефон: 42-22-47.

Тошкент давлат техника университети жамоаси проректор ўринбосари, доцент Ш. Ф. Мирзаевга отаси **Файзиражмон МИРЗАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А — 2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 12.00. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» наприёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6